

ВАТАН БИЛАН «ИНТЕРНЕТ КҮПРИГИ» ОРҚАЛИ АПОҚА

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида «Интернет» тармоғи орқали уюштирилган ажойиб учрашув бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги Абдулазиз Комилов ва молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисоддор ёшларни чет элда таълим олишларини қўллаб-

«Интернет» тармоғи имкониятларидан дунёнинг барча бурчларидан фойдаланувчилар учрашув жараёнини кузатиб, унда бевосита иштирок эта олдидлар. «Интернет кўприги» даврида мамлакат ёшлари ҳаёти, қадрларини тайёрлаш, таълим тизимини ривожлантириш ва битирувчиларни ишга жойлаштириш масалалари тўғрисида тўхталиб ўтилди.

Мамлакатимиз раҳбариятининг ўзбек талабалари олган билимларига, уларнинг демократик жаҳият ва ижтимоий йўналтирилган оқибат бозор иқтисодиётининг қуришда фаол қўмак беришларига катта умид боғлаётгани таъкидланди.

— Биз сизларни сабрсизлик билан кутмоқдамиз, — деди ёш ватандошларимизга мурожаат этиб ташқи ишлар вазирлиги Абдулазиз Комилов. — Ишончимиз қилиб, мустақам таълим олиб, Ватанга қайтганингиздан сўнг бутун Ўзбекистонда амалга ошириладиган кенг қўламли тарихий ўзгаришларга ўз ҳиссангизни қўшасизлар.

«Умид» жамғармаси бошқаруви раиси Рустам Азимов Ўзбекистон Президенти Исмоил Каримовнинг ушбу ташкилот стипендиалари билан Вашингтондаги апрел ойида мамлакатимиз раҳбари томонидан жаҳоннинг энг яхши таълим муассасаларида таҳсил олиш учун юборилган иқтидорли

қувватлаш «Умид» жамғармаси бошқаруви раиси Рустам Азимов — бир томондан ва бошқа томондан — Буюк Британия, Германия, Америка Қўшма Штатлари ва Япония олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган мазкур жамғарма стипендиалари унинг иштирокчилари бўлдилар.

ёшларга тарихий умид ва ишонч воқеаси бўлиб қолганини таъкидлади. Суҳбат ёшларимизнинг байрат-шижоати ва бардам қайфияти билан йўрилган ҳолда, илиқ ва дўстона вазиятда ўтди. Давлатимиз раҳбарининг ёш авлодга қарата айтган фикр ва тилаклари уларнинг ҳаммаларини қай даражада чуқур тўқинлантириб юборгани сезилиб турди. Улар Президентнинг Олий Мажлиси XIV сессиясидаги дастуриламал нутқида баён этилган XXI асрда мамлакат ривожининг асосий устувор вазифалари ижросига ҳисса қўшишларини яна бир қарра таъкидладилар.

Компьютер монитори экранда эътиборни ўзига

жалб этган, уларнинг Америкадан йўланган мактуби бунинг ҳаяжонли далили бўлди.

— Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон ёшларига йўлаган қаққирқ ва яхши тилаклари ҳаммамизда катта қизиқиш уйғотди. Ўқиб-ниҳоясига етгандан сўнг Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши учун баҳоли қудрат ўз ҳиссамизни қўшамиз, деган ниятдамиз.

«Умид» жамғармаси ҳаёти ва фаолияти мавзусидаги суҳбатдан ташқари сиёсий ва иқтисодий ислохотлар жараёни, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётни эркинлаштириш, ноҳукумат нотижорат ташкилотларининг ундаги ролини ошириш масалалари муҳокама этилди.

Суҳбат иштирокчиларининг айтишларича, воқеликнинг умумий қайфияти, келгуси ютуқларга дахлдорлик ҳисси, мамлакатимиз раҳбариятининг юқори малакали кадрларни тайёрлаш масаласига, ҳар бир стипендиат ва битирувчининг тақдирини учун диққат-эътибори ва ишончи — буларнинг бариси жаҳиятимиз тараққиёти, уни босқичма-босқич ислох қилиш ва келажаги буюк Ўзбекистон давлатини қуриш йўлида яна бир қафолат бўлиб хизмат қилди.

Диққатга сазовор томонини шунданки, ушбу «Интернет» тармоғи орқали уюштирилган қўлашаро учрашув мамлакатимизда илк бор ўтказилди. У сайёрамизнинг турли бурчлариданги юртдошларимизни Ватан билан боғлаб, уларга унинг ҳароратини ва кўмагини ҳис этишга ёрдам берди. «Интернет кўприги» иштирокчилари бундай учрашувларнинг мунтазам равишида ўтказилишини яқдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

Сергей КУБОНОВ,
«Жаҳон» АА махсус мухбири.

ТАДБИРКОР

Йўқдан бор қилади,
борини бойитади

Экспорт имкониятларини ривожлантириш дастурига мувофиқ, 2000 йилда Сурхондарё вилоятида 155 млн. АКШ долларидан миқдордаги маҳсулот экспорт қилиниши мўлжалланган. Бундан ўрта, кичик ва кичик корхоналарнинг улуши 3,4 млн. АКШ долларини ташкил этиши керак. Бу муаллоҳа қандай қилиб эришиш мумкин?

Кўнакча Ўзбекистон Товаришлар чикарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, вилоят ҳокимлиги, республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси ҳамкорлигида бу ерда ўтказилган семинар-кенгашда асосий эътибор ана шу масалага қаратилди. Унинг қатнашчилари воқоадаги тадбиркорлик юмушларининг умумий аҳоли билан танишиш, тадбиркорлик фаолиятида қонунлар роли ва аҳамияти ҳақида, иш ўринларини кўпайтириш, ҳунармандчиликни бизнес даражасига кўтариш, иқтисодиётнинг бу янги тизимга аёллари жалб этиш, кредит ва маркетинг имкониятларини кенгайтириш хусусида фикр алмаши-

дилар.

Семинар қатнашчилари, шунингдек, Муробот туманидаги «Меҳнат-роҳат» хусусий корхонаси фаолияти билан танишдилар. Ушбу корхонада асосан дон маҳсулотлари тайёрланади. Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари эса юқори. Сабоби — Германиянинг «Винслер» фирмаси билан ҳамкорликда дон маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган завод қурилган. Қолаверса, ишчи-хизматчиларнинг ўзи лойиҳаси асосида барпо этилган тегирилган ҳам сифатли ун ишлаб чиқаришмоқда. Корхонанинг ўз ери, чорваси, иссиқхонаси, техник қурилмалари ва ишлаб чиқариш цехлари борки, булар қўшимча даромад келтирмоқда.

Семинар-кенгашда вилоятда шундай тадбиркорликни ривожлантириш бу соҳанинг иқтисодиётдаги улушини орттиришнинг муҳим омил эканлиги алоҳида таъкидланди. Семинар-кенгаш ишида вилоят ҳокими Ж. Норалиев қатнашди.

О. УСАНОВ,
«Жалқ сўзи» мухбири

... ҲУНАРДАН УНАР

Ҳунари киши ҳор бўлмас, деган ҳикмати гап бор. Гулистон шаҳридаги «Наврўз-Ал» хусусий корхонаси жамоаси ана шу хайрли

ишга — ёшларга касб-кор, ҳунар ўргатишга бел боғлаган. Бу ерда уларга бадиий қаштачилик, тикувчилик, сарта-рошлик, телерадио

аппаратлари ва уй-рўзвор буюмларини тузатиш устаси каби ҳунардор ўргатилмоқда. Айни пайтда корхонада Тошкент ва Жиззах вилоятларидан келган ўнлаб йигит-қизлар ҳам касб-кордан бўлмоқда. А. ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

Авалло, бу инсон табиий қобилиятларини мажбуран чеклаш эди. Кейин эса кишиларда ўз тақдирига, атрофдаги воқеаларга лоқайдлик, бепарволик қайфиятини келтириб чиқарганди. Энди сиз қобилиятни чеклаб қўйилган, кўп қатори яшашга мажбур этилган, шу туфайли лоқайд ва бепарво бўлиб қолган кишини тасаввур қилинг. У, аввало, аламзада (чунки орудлари амал-

қўйга олиб келган экан. Чет элданги бирон ёнлиги шохобчасининг эгаси бензинга сояларқа қўшиб сотиш мумкинлигини тасаввур қила олмас керак. Мабоодо шу ҳақда гапирмас, бунинг тентаклик деб қабул қилади. Бизда ҳали-ҳануз бунинг олдига ҳол ҳисобловчиларга дуч келамиз. «Мулкнинг эгаси — ҳамма!» дея айюҳаннос солган, аслида мулкнинг эгасини топиб бера ол-

шига ишонади). Уйлаб кўрсак, одамнинг мулкдор бўлиши уни заминга, ҳаётга боғлаб турар экан. Мамлакатимизда давом этаётган иқтисодий ислохотларнинг ўзақ масалаларидан бири — хусусийлаштириш ана шундай гайритақриқий, қолаверса, гайриниссоний ёндашув туфайли шўролар даврида юзатга келган ўпирилишининг ўрнини қоплаш учун бошланган жиддий ҳаракатдир. Юртимизда ҳамма мулкдор бўлиши керак, ҳамма мулкнинг эгаси бўлиши керак — мана, қўриқлаётган тадбирларнинг пировард мақсади нимада? Қолаверса, биз эришмоқчи бўлган келажақ жаҳиятининг инсонпарварлик моҳияти ҳам худди шунда ифодаланган. Ахир қашшоқ одам тўла маънода эркин бўла оладими? Эркин бўлмай, бахтли бўлиш мумкинми? Қашшоқликни бар-тароф этишининг йўли бой-лик эгаси, мулк эгаси бўлиш экан, демак, хусусийлаштириш сиёсати барчаннинг манфаатини ҳисобга олиб қўриқлаётган тадбирларнинг зарурати бийдай далада яшил ўтлоқдор ташкил этиш қабилдаги ташқи манзарадагина эмас, балки ҳар бир одамда «мулк», «ерим», «Ватаним», «Бола-чакам» деган инсоний туйғунни тарбиялашда. Қалбда шундай ҳислар яшаган одам бузғунчилик қилмайди, бировга қўл қўтармайди.

Айни пайтда мулкдорлар синфини шакллантириш

жараёни турли-туман муносабатлар қуришда мураккаб бир тарзда кечмоқда.

Тан олиш керак, кўп жойларда мулк эгалари ўз имкониятларидан етарли даражада фойдалана олмаптирлар. Ҳамон осмондан чалпақ ёғишини кутиб юрганлар ҳам кўп. Яқинда касбилик таниш деҳқон билан гапашиб қолдим. У ўзининг «Дамас» машинасида Тошкентга келган экан. Ота-бобоси чорвалор ўтган йигит қўлга қўчиб келгач, пиёз етиштиришининг ҳақинини олибди. Бир йиллик даромади машинадан ҳам ортиб қолди.

— Ҳозир меҳнат қилган хор бўлмайди, — дейди у, — Лекин ҳамма ҳам бу ҳақиқатни англаб етгани йўқ. Шундай одамлар бор, эртадан-оқшомгача клубнинг ҳовлисида тупроққа беланиб қарта ўйнайди, бирок томорқасида бир жуяқда помидор ёки бодирин етиштириб, боласининг оғзига тутмайди.

Олтириқ, Данғара туманларининг миришкорлари бир майдондан 5-6 мартагача ҳосил олишгаптир, кўп жойларда эса серҳосил ерларга тектарлаб маккажўхори ёки беда экиб ташлашган.

Мулкни баҳолаш, сотиш, чинакам эгасига топширишда базан эскича қиларкан тарзи, истибқолини қўра олмаслик, тул ислохотлар моҳиятини тўла англамаслик каби қуеурлар панд бермоқда. Жойларда ўз мулкига эга бўлиш илмида қўғоз қоралаб идораларда сарсон

бўлиб юрган фидойиларни ва мансаб курсеис панаисида яшириниб олиб, фақат чўнтагининг қайғусида яшаётган турларини учратиш мумкин. Хусусийлаштириш — орқага қайтмайдиган жараён, бозор иқтисодиётининг ўзаги, шундай экан, унга тарафдор бўлмаётган, ўз бурчининг бажармаётган кимсалар бунинг тушунишлари, ўз ҳаракатларини ўзлари баҳолашлари лозим. Зеро, бизнинг Асосий Қонунида шундай деб белгиланган бўлган: «Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлиз ва давлат ҳуқуқияси» (53-модда).

Тарихнинг аччиқ киноясини қаранг, хусусий мулкни йўқотмоқчи бўлганларнинг ўзи йўқ бўлиб кетди, аксинча, улар инсоният маънавий оламида бузғунчи, қўпуровчи деган тавқи лаянатга сазовор бўлишди. Нима бўлганда ҳам, биз ўшандай тузум тузғунини парчалаб, янги, эркин ҳаётга интиладиган эканмиз, бу, аввало, ўзгичмизни топишда намоён бўлмоқда.

Қадриятларимиз, ағналаримиз ўзимизга қайтаёттир. Жумладан, мулкчимиз, бойликларимиз ҳам. Мулкка эғалик қилинг, шу мақсад йўлидаги хатти-ҳаракатларни қўллаб-қувватланг!

ҲОКИМ САТТОРИЙ.

Долзарб мавзуда мулоқот

Республикада соғамки сақлаш тизимини ислох қилиш, тиббий хизмат кўрсатишини давр талаблари даражасига кўтарини юзасидан катта иш бошланди. Ўзбекистонда дори ишлаб чиқариш ва ҳаққимизни дори-дармон билан таъминлаш истиқболлари — унинг тар-қибий асосларидан биридир. Шунга биноан, дори-дармон ишлаб чиқариш ва аҳолини улар билан таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси махсус қарор ҳам қабул қилди.

Аслида, бу соҳанинг ҳозирги аҳоли қандай, ўзини даврида дори муаммолари ва уларни ҳал этиш чора-тадбирлари нимага асосланган бўлган? Мухбиримиз ана шу мавзуда соҳа мутахассисларидан бири, Тошкент давлат фармацевтика институтини «Дори турлари технологияси» кафедраси мудири М. М. МИРАЛИМОВ билан суҳбатлашди.



— Миржалол Мираҳмедович, аҳолининг дори-дармонлари бўлган эҳтиёжини қондириш муаммоларини ҳал қилиш масаласи сўнги пайтларда ҳукуматимизнинг, айниқса, Президентимизнинг алоҳида эътиборида турибди. Ўзбекистоннинг аҳолисида бўлган Олий Мажлисининг XIV сессиясида ҳам, жумладан, шу масала тўғрисида тўхталиб ўтилди. Ниҳоят, «Дори-дармон» восталари ва тиббий буюмлари савдосини тартибга солиш тўғрисидаги ҳукуматимизнинг яна бир қарори эълон қилинди.

Дори-дармонлар ишлаб чиқаришнинг ахши-лаш ва республикада дори-дармон таъминотини йўлга қўйишга бу қадар катта эътиборнинг асосий сабаблари нимада?

— Дори-дармонлар ишлаб чиқарилиши ва уларнинг таъминотини йўлга қўйиш масаласига эътибор мустақиллик йилларида одам ва унинг қадр-қимматини кўтариш билан боғлиқ улкан инсонпарварлик сиёсатининг таркибий бир қўрилишидир. Бунинг тушунса бўлади. Фикрлар соғлиги — жаҳият бойлиги ва фаровонлигининг зарур омилларидан бири, деган қоида айнан мустақил ривожланиш йилларида амалда намоён бўлмоқда. Президентимиз ташаббуси билан «Соғлом авлод учун» жамғармасининг ташкил этилиши ҳамда худди шу номадаги давлат ордени таъсис этилганлиги кўп маъноларни аниқтайди.

Хусусан, дори-дармон ишлаб чиқарилиши ва дори-дармонлар билан аҳолини таъминлаш масаласига келсак, бу соҳада сўнгги йилларда мажмуа муаммоларини ҳал қилишда иқтисодий астойиллик қилишди. Президентимиз эътибори ва ҳукуматимиз қарорларидан кейин бу муаммони ҳал қилиш борасида катта имкониятлар туғилди. Халқимиз бундан фақат манун бўлиши керак.

— Демак, соҳа мутахассис сифатида сизнинг фикрингизни билмоқчи эдик, республикада дори-дармонлар ишлаб чиқарилиши ва таъминоти соҳасида аниқ қўлашда ҳал қилиниши зарур бўлган қандай муаммолар мавжуд?

— Биз бозор иқтисодиёти даврида яшапмиз. Бундай янги шaroит аҳолини дори-дармонлар билан таъминлаш соҳасида ҳам янгиликларни явулда келтирмоқда. Аввало, эътибор этиш керак, ҳозирги дори-дармон таъминотини бозор иқтисоди муносабатларидан ташқарида тасаввур этиб бўлмайди. Мазлумки, биз жамияти зарур дори-дармонлар билан ўз-ўзини таъминлай олмаймиз. Шу боисдан мамлакатимиз бу соҳада жаҳоннинг қўллаб-қувватлари билан ҳамкорлик ўрнатмоқда. Бу ҳамкорлик тобора кучайиб борапти. Бутун турли мулк шаклидаги дорихоналар ҳам пайдо бўлаётти. Бу соҳада тадбиркорлик ва ташаббускорликларга йўл очилмоқда. Олиб келинаётган дори-дармонларнинг турлари ҳам кўпаймоқда. Турли, уларнинг нархида бозор даврига ҳос эркинлик тамойиллари бор. Масалан, айрим ноёб дориларнинг қиймати бизнинг чамамизда белгиланган тўққузга. Лекин шу нарса ҳам сир эмаски, уларни узоқ давлатлардан олиб келишнинг ўзи бўлмайди. Бу дориларнинг нархида ҳам таъсир кўрсатади, албатта.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда бозор иқтисодиёти билан боғлиқ равишда туғилаётган муаммолар ҳам йўқ эмас.

Масалан, сир эмас, дори ишлаб чиқариш ва таъминоти соҳасига бунга алоқаси бўлмаган шахслар аралашиб қоляпти. Улар на дорининг сифатини ахши тушунади, на дори-дармонларнинг қийматини аниқ билади. Бундай кимсалар ўз манфаатларидан келиб чиқиб, таваккалга, бозорга қараб иш юритмоқдалар. Яна бир масала. Дорихоналарнинг ўзида дори-дармон тайёрлаш фаолиятини ривожлантириш керак.

Биз аҳолини дори-дармонлар билан таъминлаш бўйича бу соҳадаги фаолиятни қоллатовчи давлат қарорига эгамиз. Биз энди унга қўйилган вазифаларни бажаришга қараймиз керак. Шу вазифаларни бажариш учун эса Соғлиқни сақлаш вазирлиги, республика «Дори-дармон» акциядорлик жамияти, «Фармасаноат» концерни, фармацевтика институтини ва бошқа дори-дармонга алоқдор бўлган юридик ҳамда жисмоний шахслар билан бирлиқ, дастурий мақсадларни ўз олдларига қўйиб ишлашса, кўп нарса ҳал бўлади.

— Юқорида сиз санаган ташкилотлар ҳамкорлигида иш юритса, дори-дармонлар ишлаб чиқариш соҳаси, албатта, ривожланади. Лекин бундай соҳанинг ривожланиши учун ҳом-аши манбаа ҳам керак. Бундай манбалар қандай етарлими?

Фикрингизга қўшилман. Шу ўринда бироз текшириб қилиб, фалсафий, лекин чуқур маънавий бир ҳақиқатни эслайлик. Та-

бобат илмининг қашшоғи ким деган саволга Америкада ҳам, Японияда ҳам, Африкада ҳам бирдек, Ибн Сино деб жавоб беришди. Назаримда, Ибн Синони дунёга танитган — икки омил мавжуд эди, унинг биринчиси — Оллоҳ таоло берган ўтқир эҳл, лекин иккинчиси — Ўзбекистоннинг афсонавий табияти эканлиги аниқ. Ана шу омилларнинг иккинчиси ҳамон улкамизда мавжудлиги — ҳақиқат. Тоғу тошларда, чулу болларда бебаҳо бойликлар, ўхшаши йўқ шифобахш усимликлар унинг-ўсаяпти. Биз бу ҳомашеларни қадрлашимиз, шу бойликдан самарали фойдаланишимиз керак. Уларни дори-дармон манбаларига айлантирайлик. Бунга ҳадий киришайлик.

Ҳозирги кунда фармацевтика корхоналари республика аҳолисининг дори-дармонга бўлган эҳтиёжини тахминан 10 фоиз қондирапти. Вақоланки, республика аҳолисининг эса 2500 дан ортиқ турдаги дори препаратларига эҳтиёж сезилмоқда. Турли, ана шу 2500 турдаги барча препаратлар республикада ишлаб чиқарилган, деган тақдирини қўндаланг қилиш реал эмас. Чунки энг ривожланган мамлакатларда ҳам маълум дори препаратлари чет эллардан келтирилади. Лекин айни пайтнинг ўзида, уша мамлакатларнинг ўзидан бошқа препаратлар экспорт қилинади.

Шунинг учун ушбу масалага эътиборни қучайтиришни тақдир қилаётган, ҳолос. Ша-роит ва имкониятлар масаласига келсак, бундай шароит ҳам, имкониятлар ҳам бор. Эртадан бошлаб ўша ноёб ва мураккаб технология жараёнларини талаб этаётган дори-дармонлар ишлаб чиқариш реал эмас. Бироз вақт ўтган, бунга ҳам эришамиз. Лекин ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг тупроқ-қумдан тортиб, ҳай-вонот ва усимлик дунёсига, табиятида уч-райдиган машҳур мўйи, праполис, бошқа моддалар — буларнинг барчаси ниҳоятда ноёб маҳамдир ва улардан дори-дармон сифатида фойдаланиш мумкин. Бунинг учун уларга бироз ишлов бериш зарур, васалом. Ақл ўргатишдан осони йўқ. Шунинг учун фақат қуруқ гап бўлиб қолмаслиги учун мисол келтир-ман.

Республикада хўжаликларда ҳар йили ўн мингга тонна дағал жун тайёрланади. Соҳа мутахассислари билан ҳисоб-китоб қилиб кўрдик. Дағал жунни ювиш асосида 1,5 минг тонна атрофида ланолин мойи олиниши мумкин экан. Ланолин эса фармацевтика саноти учун энг зарур бўлган ҳомашедир. Эҳтимол, бу жараён учун ортиқча харажатлар бўлади дегувчилар топила, лекин масаланинг бошқа томонини ҳам ҳисобга олиш керак. Таркибидаги ланолин харабати олинган ва ювилган тоза жун дағал жунга нисбатан ҳисоб-китобга кўра, қарийб 8 миллион доллар қимматроққа сотиларкан. Мен ўзини кучли иқтисодчи деб ҳисобламайман. Лекин бу ишга қўл урилса, фойда, албатта, ҳар тарафлама бўлади.

Иккинчи мисол — биргина пахтанинг ўзидан тиббиётда қўлланиладиган 15 хил ҳомаше ва 30 дан ортиқ дори препаратларини олиш мумкин. Энг муҳими, юқорида таъкидланганликдек, тоғу тошларда, чулу дашларда минг-лаб хил гиёҳларнинг ҳар йили унинг-ўсаяпти. Улардан 600 хилдан қўпроқ дори-дармон оласа бўлади. Масалан, Зомин ва Бурмулда зона-ларда унадиган гиёҳлардан экологик энг му-саффо ҳомашелар тайёрлаш мумкин. Жаҳон амалиётиндан келиб чиққудек бўлсак, истаган маҳсулотнинг экологик мусаффо турлари шифобахш ҳисобланади.

Ана шу ишларни ташкил этишни тез-лаштириш учун қандай омилларга эътиборни қучайтириш керак, деб ўйлайсиз?

— Олайлик, Ўзбекистон пахтанинг макони ҳисобланади. Биз эса стирилланган пахта ва бинтини асосан чет элдан келтирамиз. Бундай тиббий восталарни ўзимизда тайёрлайдиган кичик корхоналар очиш мумкин-ку?! Ҳозирги кунда шу соҳа жонқурлари томонидан республикада тиббий техника ва фармацевтика санотига тааллуқли қўллаб-қуврат-малар ташкил этилаёпти. Чет эл фирмалари-нинг маҳсулотлари, технологиялари намоён қилинмоқда. Ана шундай қўрғамаларнинг таъсирчанлигини қучайтириш керак. Табиийки, аҳолини дори-дармон билан таъминлаш-ни яхшилашга қаратилган фаолият ҳукумат-нинг тегишли қарори асосида амалга оши-рилса, қўлаган мақсадимизга эришамиз ва яқин орада биз четдан фармацевтика маҳсу-лотларини олмасдан, аксинча, бизнинг ўзи-миз чет элларга уларни экспорт қилиш имко-ниятига эга бўламиз.

«Жалқ сўзи» мухбири
М. САРАФОВ
суҳбатлашди.

КИМЁГАРЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Республика кимё сана-тининг етакчи корхона-ларидан бири — «Навоий-Ал» ишлаб чиқариш би-рлашмаси жамоаси ўзининг ағнавий касб байрагини салмоқли натижалар билан кутиб олди. Бундан 35 йил муқаддам илк маҳсулот бер-ган бу корхона бутунни кун-да мамлакатимиз кимё са-наоти маҳсулотининг 35 фо-изини ишлаб чиқармоқда.

Корхонада тайёрланаётган сувый нитрон толаси, азот кислотаси, аммиак селитра-си, техник аммиак, газ кис-лороди, ацетилен, карбонди, «Круз» шамшун каби қўллаб турдаги маҳсулотлар истеъмолчиларга манзур бўлмоқда. Айни вақтда Гер-маниянинг «Дурин» фирмаси билан ҳамкорликда каустик сода ишлаб чиқариш заводи қурилиш жараёнида эт-моқда.

Касб байрами муносаба-ти билан Навоийдаги «Ким-ёгар» спорт уйигоҳида та-ванали тадбир бўлиб ўтди. Унда «Шарни» маданият уйи санъаткорлари байрам-га фавз киритди. Турли спорт мусобақалари ўтқа-зилди.

Тадбирда вилоят ҳокими Ф. Давлатқатнашди.

Ёрқул УМАР,
ЎзА мухбири.

Бишкекда 26-28 май кунлари асримизнинг улугъ адиби, Киргизистон халқ ёзувчиси, Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеясининг президенти Чингиз Айтматов таваллудининг 65 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Уларда жаҳоннинг турли мамлакатларидан таъриф булган меҳмонлар, жумладан, Ўзбекистон вакиллари ҳам иштирок этди.

Юбилейнинг бош танта-наси Киргизистон опера ва балет театрида ўтказилди. Унда мамлакат Президенти Аскар Азиев адибнинг ижоди ҳақида маъруза қилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Чингиз Айтматовни «Буюк хизматлари учун» ордени билан таъдирлаш ҳақида Фармон чиқарган. Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Нарзулла Жўраев ушбу Фармонни ўқиб эшитириди ва ёзувчига мамлакатимизнинг ана шу юксак мукофотини топшириди. Шунингдек, адибнинг эгнига Юрбошимиз йўллаган зардузи чопон, боғида дўппи кийдириди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқаруvinнинг раиси, Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеясининг вице-президенти Абдулла Орипов эса адибга атайган шеврини ўқиди.

Кирғиз тасвирий санъати музейидаги йилнинг ҳам Ўзбекистонликлар фаол бўлиши. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеясининг биринчи вице-президенти Олиб Ёқубов, таниқли адабиётшунос Иброҳим Гафуров ва бошқалар адиб ҳақида сўз айтишди, унга савгалир топширишди. Миллий фанлар академиясида уюштирилган «Чингиз Айтматов ва жаҳон адабиёти» халқаро илмий анжуманида юртимизнинг ана бир вакили — профессор Лазиза Каюмов ёзувчининг ижодида бағишлаб маъруза қилди.

Чингиз Айтматов ўз чиқишида унга кўрсатилган бундай юксак изат-ҳурмат учун она халқига, Киргизистон раҳбариятига, юбилейга таъриф булган барча меҳмонларга ташаккур изҳор этди. Ёзувчи уни «Буюк хизматлари учун» ордени билан таъдирлагани учун Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовга алоҳида миннатдорчилигини етказишни сўради.

...Нихоят, туннел ҳам битди ва унинг темир излари бўлиб Россиядан илк

поезд «Маймоқ» бекатига етиб келди. Шу муносабат билан бу ерда катта йиғин ўтказилди. «Энди ана шу пўлат йўллар, ана шу туннел орқали катнайдиган поездлар халқимизга бахту иқбол келтирди», — дедиши чор Россиясининг вакиллари.

Ана шу тантаналарда туннел қурилишида алоҳида ўрнатқурсатганлар орасида ота-бола Айтматов ва Тўракулларнинг номи алоҳида таъкидланди, уларга қайта-қайта ташаккурлар билдирилди.

Орадан анча ўтди, кўпгина «оламшумул» воқеалар содир бўлди, жумладан, Октябрь тўнтариси рўй бериб, Қизил салтанат барпо этилди. Киргизистоннинг фарзандлари қатори шу салтанат пойтахтидаги Қизил профессура институтига Айтматов бобонинг ўғли — Тўракул ҳам ўқишга юборилди. У хотини Нағимаю, фарзандлари билан Москвага кўчиб ўтди.

Поездлар қатнови эса тобора кўчяйиб борарди. Аммо улар чор Россиясини дарида ҳам, Қизил салтанат қурилиш ҳам уша, илк поезд келганида келганид-хўжайинлар таъкидлашган «бахту иқбол» ўрнига халққа жабру жафо, энг ачинарлиси эса — онгу шуурларга манкуртлик урусларини ташигани-ташиган, қайтишда эса юк вагонларида халқнинг ризку на-сибасини олиб кетарди.

Бунинг аниқлаб, иккони қийна-ла бошлаган Тўракул охири чидай олмасди: бор ҳақиқатни айтишга жазм этди. Ва уша за-хотийек — ўттиз еттинчи йил-нинг қузида уни ҳибсга оли-шиб, қўлларига кишан ури-шиб, «Маймоққа» — отаси ик-ки қуришган туннел орқали «бахту иқбол элтивчи» поезлда юртига олиб келиб, «халқ душ-мани» дей отиб ташлашди.

Нағима опа (ўттиз иккида эди ёши) тўрт мурғак етими билан (тўнғичи Чингиз энди-гина тўққизга қираётган) зор қиқлаб, касалликка чалиниб, зўрга овуллар Шайхонга қайтди. «Халқ душмани»нинг хо-тинию, фарзандлари бўлиш ўлимдан ҳам оғир эди...



ЕРДАН УЗИЛМАДИ ОЁҒИ

Бир маҳал Чингиз тепага уча бошлади. «Илгиз, мени маҳкам ушлаб ол, бирга учамиз!» — деб укасини ҳам ўзи билан эргаштира кетди. Улар тобора юксакликка кўтарилишарди. Бора-бора овуллар кичик бир нуқтага айланди. «Қара, қара, Исиккўл!» — деди акаси ҳажжонлариб... Кейин қорли чўққулар устидан ўтишди.

Моний осмон бағрида қушдек енгил парвоз этишгаётган бир икковлоннинг сочларини шамол тўзгир, ён-атрофлари-дан учиб ўтаётган бургутлар-дан зум «тўхтаб», уларга тааж-жуб билан тикилиб, яна пар-возларини давом эттирарди. Чингизу Илгиз эса шу қадар бахтиёр эдиларки...

Уша қуни Илгиз саҳармар-донда уйғонди ва онасига ту-шида қўнғилари — акаси би-лан парвози ҳақида энтика-эн-тика сўзлаб берди. Қузи ёшга тўлган Нағима опа уегини ба-рига босиб, сочларини силди-да, секин шивирлади: «Яхши-ликча бу тушинг, болагинам, яхшиликча. Демак, Чингизим бизни шу қаро қушлардан қут-қаради. Вақти келиб эса ота-ларингизнинг орзу-армонлари-ни рўёбга чиқаради. Сен ҳам кам бўлмайсан, Илгизим. Иш-қилиб, ҳудойим доимо ўз па-ноҳида асарини сезиларли...

Ҳозирда таниқли геолог, академик Илгиз Айтматовнинг узоқ болалигиди ана шу туш-уш, онаси билан сўхати ҳақида Бишкекдан — Чингиз Айтматовнинг таваллуди тан-таналаридан Тошкентга қайтаётганимизда ҳамроҳим — Ўзбекистондаги кирғиз мада-ний марказининг раиси Аббор Каримовдан эшитдим.

Раҳматли Нағима опанинг бағироти амалга ошди: унинг тўнғичи отаси — Тўракул Айтматовнинг жасоратини китоб-ларга жо этди. Тоталитар ту-зумнинг қўли узун пайтидаёқ ўта «шаккоклик» билан унинг асл моҳияти — ёвузлигини би-рин-кетинг фош қила бошла-ди, манкуртликку қўлчиланг халқлар бошига беомон қўй-фаллар ёдиратганини баралла айтди. Лекин қанча уриниш-масин, унинг овозини ўчира олишмади, ўчира олишмасди ҳам, чунки ёзувчининг икки бақувват қаноти — Сўзую Иқдори уни қўз илғамас ю-ксакликка — бутунзамин осмо-нига олиб чиққанди!

Унинг асарлари жаҳоннинг 154 тилига таржима қилиниб, 20 миллиондан ортиқ нусхада чоп этилган. Халқ жаҳон ада-биёти тарихида ҳеч қайси ёзув-чи, ҳатто ўша минг бор мак-талган Бальзаку Тостойларнинг улар ҳаёт вақтида ҳам, ҳозир ҳам китоблари шунча нусхада қиқмаган ва шунча тилга ўти-рилмаган.

Бундан ташқари, Чингиз

узоқ болалигиди ана шу туш-уш, онаси билан сўхати ҳақида Бишкекдан — Чингиз Айтматовнинг таваллуди тан-таналаридан Тошкентга қайтаётганимизда ҳамроҳим — Ўзбекистондаги кирғиз мада-ний марказининг раиси Аббор Каримовдан эшитдим.

Раҳматли Нағима опанинг бағироти амалга ошди: унинг тўнғичи отаси — Тўракул Айтматовнинг жасоратини китоб-ларга жо этди. Тоталитар ту-зумнинг қўли узун пайтидаёқ ўта «шаккоклик» билан унинг асл моҳияти — ёвузлигини би-рин-кетинг фош қила бошла-ди, манкуртликку қўлчиланг халқлар бошига беомон қўй-фаллар ёдиратганини баралла айтди. Лекин қанча уриниш-масин, унинг овозини ўчира олишмади, ўчира олишмасди ҳам, чунки ёзувчининг икки бақувват қаноти — Сўзую Иқдори уни қўз илғамас ю-ксакликка — бутунзамин осмо-нига олиб чиққанди!

Унинг асарлари жаҳоннинг 154 тилига таржима қилиниб, 20 миллиондан ортиқ нусхада чоп этилган. Халқ жаҳон ада-биёти тарихида ҳеч қайси ёзув-чи, ҳатто ўша минг бор мак-талган Бальзаку Тостойларнинг улар ҳаёт вақтида ҳам, ҳозир ҳам китоблари шунча нусхада қиқмаган ва шунча тилга ўти-рилмаган.

Бундан ташқари, Чингиз

Айтматовнинг қатор асарлари Америкаю Европадаги мамла-катларнинг ўқув дастурларига киририлган. Унинг китоблари асосида унлаб хорижий давлат-ларда фильмлар суратга олин-ган, пьесалар сахналаштирил-ган.

Ёзувчи қўллаб нуфузли хал-қаро академияларнинг аъзоли-гига сайланган. Яқинда таъсис этилган Айтматов номидаги Халқаро мукофот эса жаҳонда-ги энг юксак мукофотлардан бири деб тан олинди.

«Агар Чингизхон ўз қилчиси билан ер юзининг ярмини иш-гол этган бўлса, Чингиз Айт-матов ўз сўзи, қалами билан бутун дунёни шарт этди», — деганди қозоқ шоири Ўлжас Сулеймонов.

Мухим, илгари ҳеч ким билмайдиган, таниқли қолмиқ шоири Давид Қўғултинов (Бишкекдаги юбилей тантана-ларида бу иқтидорли ижодкор ҳам иштирок этди) таъкидла-ганидек, жаҳон ҳаритасида нуқ-тадек келадиган Киргизистон-ни, ўз халқини бутун дунёга танитди. Эндиликда Чингиз деганда кирғиз, кирғиз деганда эса Чингиз англанади.

Яна бир муҳим жиҳати: Чингиз Айтматов нафақат кир-ғиз адабиёти, балки ҳозирги замон туркийлар адабиётининг байроғини энг баланд чўққи-ларга олиб чиқди. Унинг бош мавзуси — замин, озолиқ, адо-

лат ва эзгулик. Унинг бош қаҳрамони — оддий инсон. Ҳа, Чингиз Айтматов энг сор бургутлар ҳам ҳавас қиладиган юксакликда парвоз қилаётди. Аммо... унинг оғи ердан асло узилган эмас.

Айтматов нафақат ёзувчи, балки фал жамоат арбоблари-дан бири ҳисобланади. Мана етти йилдирки, у дипломатия соҳасида ишлаб келмоқда, айни пайтда адиб Киргизистоннинг Бельгия Қироллигида Фавку-лодда ва Мухтор элчисидир. Шунингдек, у Ўзбекистон Пре-зиденти оқ йўл берган, яқинда Парижда — ЮНЕСКОда тақ-димоти бўлиб ўтган, минтақа-миз давлатлари халқларининг маънавий бирлигини янада яқинлаштиришга баҳоли қуд-рат ҳисса қўшаётган халқаро ташкилот — Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамбле-яга таъкилчи қилиб келаётди.

Айтматовнинг дунёвий ҳур-мати беқисс. Унинг 70 йилли-ги Япония, Герма-ния, Туркия каби мамлакатларда, Па-рижда — ЮНЕСКО миқёсида нишон-лангани бунга яққол гувоҳдир. Аммо, менимча, унинг Ўзбекистондаги ҳур-мати янада беқисс-дир. Чунки у биз,

Ўзбекларни ниҳоятда севади, адиб бунинг нафақат сўзла, бал-ки амалда ҳам қўл бор ибодат-лаган. Дейлик, 1983-86 йиллар-да. Уша йиллари юртимиз ра-ҳбарларимизнинг ироадасизлиги туфайли пайдо бўлган «Ўзбек иши» оқибатида халқимиз пе-шоасига «порахўру», «қаллоб» дея бот-бот тамгалар босилиб, кўнглимиз синик юрғанида адибнинг «Правда» газетасида чиққан жасур мақоласи чак-моқдай чакнаб, рўҳимизни те-тиклаштириб юборганди.

Ўзбек меҳнатқашларининг мамлакат учун қилган ишла-рини айтмасак, булар бари таъзимга лойиқ юмушлардир. Қадим ўзбек маданиятининг Урта Осиёга қўрсатган таъси-рини Қўҳна Византиянинг Қа-дим Русга қўрсатган таъсири билан қиёслаймиз. Совет-га-ча булган даврларда ҳам Ўз-бекистон Шарқдаги сўзимизу юзи-миз эди, бутун ҳам худди шун-дай.

Йўқ, ўзбек халқининг тоза чеҳрасига ҳеч нарса доғ солот-майдил — дея ёзганди ана шу мақоласида Чингиз Айтматов.

Шунинг таъкидлаш жоизки, адиб Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов томонидан амалга оширилган оламшум-ул ишларга доимо юксак баҳо бериб келаётди.

Ўзбек халқининг муқтақил-ликини муқтаҳкамлаш, маънави-

ятни тиклаш борасида олиб бораётган юмушлари мени доимо дол қолдиради», — дейди Тошкентта ҳар сафар келганида Чингиз оға.

Айтматов дунёдаги жуда қўллаб ордентларга сазовор бўлган. Шулардан бири — Ўзбекистоннинг «Дустлик» ордени. (адиб бу юксак му-кофот билан 1995 йилда тақ-дирланган эди). Эндиликда эса унинг ёшга мамлакатим-зининг ана бир улугъ муко-фоти — «Буюк хизматлари учун» ордени ҳам қўшилди.

«Менга кўрсатилган бун-дай иззат-икром учун, ил-тифот учун ўзбек халқидан, унинг йўлбошчилардан мек-сиз миннатдорман, — деди Чингиз оға биз билан суҳ-батда. — Яна бир нарсадан шод бўлдимки, юбилейим муносабати билан Тошкент-даги «Шарқ» матбаа-концер-ни меннинг етти жиллик асарларимни жуда қиройли, сифатли қилиб чоп этибди...»

Биз, ўзбекистонлик меҳ-монлар эрталаб Тошкентга қайтиш учун «Исиккўл» меҳмонхонаси довлисиди автобусимизга чиқмоқчи бўлиб турганимизда, кимдир «Чингиз Айтматов келаркан, атайлаб сизлар билан хайр-лашгани», — деб қолди.

Очиги, то Чингиз оға меҳ-монхона остонасида пайдо бўлмагунча ба гапга ишон-гимиз келмади. Чунки бир неча кундан бую ўтказилёт-ган юбилей тантаналари, тур-ли мажлислар одамни бари-бир чарчатаяди. Айниқса, ке-часи — театрда бўлиб ўтган йиғин — у қарийб беш соат-га чўзилди ва сўнг Кирги-зистон Президентининг Ола-рчадаги қароргоҳига «қучи-рилиб», ярим кечасигача да-вом этди.

Табиийки, Айтматовнинг толиққани хис қиларган қўлларидан сезилиб турарди. «Бекор овора бўлибсиз-да», — дейишимиз билан у га-пимизни шарт бўлди-да, «Ҳеч қандай оворачарчилиги йўқ. Сизлар билан дуруст-роқ гурунглашмоқлик ҳам ва ҳатто хайрлашмоқлик им-кон бўлмади. Мана энди ана шу мезонлик қарзини уза-гани келдим», — деди табас-сум билан.

Ва биз тўйиб-тўйиб гу-рунглашдик, биргаликда су-ратга тушдик, кўпчилигимиз дастхат ҳам ёздириб олдик...

Анвар ЖўРАБОВ.
Бишкек — Тошкент.

СУРАТДА: Чингиз Айт-матов ўзбекистонлик ва қозо-ғистонлик меҳмонлар давра-сида.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон
УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

М. ЕГОРОВ
(масъул котиб —
«Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУХИДДИНОВ,
(бош муҳаррир уринбо-
сари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК,
М. САФАРОВ,
Р. ФАҲХОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сўсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85;
Маълумот ва алоқабат — 136-35-60, 132-10-65;
Халқлар — 136-29-89,
133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва
ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш
тартиби
№ 00001

Буортма Г — 0456,
30695 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ,
Офсет усулида
босилган.
Қозғ бичими А—2

Газета PENTIUM-II —
компьютерда терилди
ҳамда операторлар
Сергей ЛУКИН ва
Жамшид ТОВАЕВ
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб —
Ю. ХАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир —
И. УТБОСАРОВ.
Навбатчи —
А. МАДАТОВ.
Мусаххас —
Ш. МАШРАБОВЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми
5 қозғдан зиёд
материаллар қабул
қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-
матбаа концерни
босмахонаси.
Қорхона манзили:
«Буюк Турон»
кўчаси, 41.

Босишга топшириш
вақти — 21.00
топирилади — 21.50
1 2 3 4 5 6



Мактабларда сўнги
қўнғироқ жаранлагани-
га қўл бўлгани йўқ.
Одатда таътил кунла-
рида билим даргоҳлари
янги ўқув йилига тайёр-
ланиб, таъмирдан чиқа-
рилади.
Хўжабод туманида-

ЎҚУВЧИЛАРГА ТУҲФА

ги Абдулла Набиев номи
жамоа хўжалиги болалари
эса янги ўқув йилини янги
мактабда қаршилайдиган
бўлиши. Бу ерда 30-уму-
мий ўрта таълим макта-



би учун барча қўлайликлар-
га эга бўлган 540 ўринли
бино қурилиб, фойдаланиш-
га топширилди.
Айни пайтда мактабда
юқори синф ўқувчилари

давлат имтиҳонларини
топишмоқда.

СУРАТЛАРДА: бити-
рувчи синф ўқувчилари им-
тиҳон олдидан; янги мак-
таб биносининг кўриниши.
Тоҳиржон
ХАМРОҚУЛОВ
олган сурат.

ОЧИҚ ТУРДАГИ «КЎКЧА»

хисдорлик жамияти

1998 йил якуни бўйича
4 июнь соат 10.00 да

ҳисобот мажлиси ўтказлади.

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани, Ҳайрул кўчаси,
Р.Соҳибов тор кўчаси,
22-уй.

4-ҚУРИЛИШ - МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ

қуийдагиларни
СОТАДИ:

«Чингали» МАРМАРИ,
400х400 мм ҳажмин
тошхатталар

БЭРҚИЯ
КАНАЛИЗАЦИЯ ҚУВУРЛАРИ
ташки диаметри:
• 63 - узунлиги 6 метр,
• 110 - узунлиги 6 метр.

қуийдагиларни
СОТИБ ОЛАДИ:

БРУ -
БЕТОН ҚОРИШМА УЗЕЛИ.
Самардорлиги 20-30 м/соат.
Аввал фойдаланилгани
ҳам бўлади.

БЕТОН ҚОРИШМА
УСУНАСИ.
Сигими - 0,15 0,25 м.

Тел.: 144-50-27;
144-14-63.

МУҲАНДИСЛАР ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ!

КАСАПСАУ ТЕКМЕП

Жуний қайта ишлайдиган «Косонсой-Текмен» ўзбек-турк
қўшма қорхонаси юқори малакали қуийдаги
мутахассисларни танлов асосида
ишга қабул қилади:

- Кимё муҳандиси
- Сановат муҳандиси
- Механика муҳандиси
- Электроника муҳандиси
- Электрчи-муҳандис
- Тўқимачилик муҳандиси

Турк ва инглиз тилини билганлар эътиборга олинади.

Ишга киришни хоҳловчилар 1999 йил 20 июнгача
3х4 ҳажмдаги сурат, таржимаи ҳол ва диплом нусхаси билан
қуийдаги манзилларга мурожаат қилишлари мумкин:

Фабрика:
Наманган вилояти,
Косонсой шаҳри,
Тел.: (36965) 23355,
24256.

Тошкент офиси:
«Буюк Турон» кўчаси, 41.
Тел.: (371) 1333905,
1332975.

Меҳнат, аҳоли бандлиги
ва ижтимоий муҳофазаси
муаммоларини ўрганиш
республика илмий Маркази
жамоаси меҳнат бозори му-
аммолари бўлими бош ил-
мий ходими, профессор
Эркин Аҳмедовга аксия
Мухтор АҲМЕДОВнинг
вафоти муносабати билан
чуқур таъзия изҳор қилади.

Йулдош Оқунбоев номида-
ги Тошкент тўқимачилик ва
енгил саноат институтини жамо-
аси «Назарий механика, ма-
териаллар қаршилиги ва матема-
тик моделлаштириш» кафедра-
сининг профессори Мухаммад-
расул Эргашевга волидин, про-
фессор

ЎЗР ФА Биоорганик кимё
институтини жамоаси тиббиёт
фанлари доктори, Беруний
номидаги Ўзбекистон Давлат
мукофоти совриндори, про-
фессор

Санжар
НОСИРОВнинг
вафот этганини муносабати
билан марҳумнинг оила
аъзоларига таъзия билдира-
ди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 1 июндан бошлаб ҳисоб ва божхона
туловлари учун хорижий валюталарнинг сўйма нисбатан қуийдаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	76,76	1 Миср фунти	34,58	1 СДР	158,44
1 Австрия шиллинги	8,96	10 Испания песети	7,41	1000 Туркия лираси	0,25
1 Англия фунт стерлинги	188,51	100 Италия лираси	6,37	1 Финляндия марккаси	20,75
10 Бельгия франки	30,58	1 Канада доллари	79,83	1 Франция франки	18,80
1 Голландия гульдени	55,97	14,23		1 Швейцария франки	77,48
1 Грания драхмаси	3,80	10 Люксембург франки	30,58	1 ЕВРО	123,359
1 Дания кронаси	16,60	1 Малайзия ринггити	31,00	10 Жапония Корея вони	0,99
1 БАА дирхами	32,08	1 Германия марккаси	63,07	10 Япония иенаси	9,75
1 АКШ доллари	117,81	1 Польша злотийси	29,58	1 Россия рубли	4,82
				1 Украина гривнаси	30,82

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маскур
валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

СПЛИТ СИСТЕМАЛИ

“ЁЗ - ҚИШ”
туридаги

СОВУТИШ
ВА ИСИТИШ 60 кв/м

ХАЖМЛИ “TOSH” (ЯПОНИЯ)

КОНДИЦИОНЕРЛАРИ

Тел: 45-25-40;
45-32-44.

Сиз СКВни тоёшани,
ўз маҳсулотингизни қадоклаб берадиган
ишончли шерикка эга бўлишни истасангиз,
«SANOATQALINQOQOZSAYDO»<